

## МАДАНИЯТНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хилола Шухратовна Джўрабоева

Фарғона давлат университети география кафедраси докторанти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада маданиятнинг худудий жиҳатлари ва уни географик ўрганишнинг асосий йўналишлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** анъана, ижтимоий муҳит, моддий маданият, маънавий маданият, урф-одат, қадрият, этнос, табиий мувозанат, табиий муҳит.

### КИРИШ

Инсоният этник жиҳатдан шунча бой ва хилма-хилдирки, ҳозиргача Ер сайёрасида қанча халқ ва элатлар яшаётганлиги фанда аниқ маълум эмас. И.Жабборовнинг ёзишича, «жаҳонда икки мингдан ортиқ элатлар мавжуд бўлиб, улар бир неча мингдан то миллиардгача етадиган миллий бирликлардан иборат» [1]. “Дунё халқлари” этнографик энциклопедиясида кундалик ҳаётда кўп ишлатиладиган “халқ”, “миллат”, “элат” каби тушунчаларга изоҳ берилиб, замонавий фанда бу тушунчалар ўрнига нисбатан аниқроқ “этнос” тушунчасидан фойдаланиш таклиф этилади ва Ер шарида яшовчи 600 этносга таъриф берилади [2]. Халқ ёки этнослар сони қанча ва улар қандай ижтимоий даражада бўлмасин, муайян худудда шаклланади, умумий қонуният ва қадриятлар асосида ривожланади. Халқлар яшаётган худуднинг табиий, минтақавий ҳамда тарихий ўзига хослиги фақатгина шу халқ учун хос бўлган моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши учун шароит яратади. Маданият эса ўз навбатида этнос ҳаётининг сақланиб қолиши ёки таназзулига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маданият энг фундаментал, кенг қамровли тушунчалардан бири бўлиб, Ғарбда ва Шарқда уни ифодалаш учун турлича атамалардан фойдаланилади. Ғарб мамлакатларида қўлланиладиган «culture» сўзи асли лотинча бўлиб, даставвал Қадимги Римда пайдо бўлган ва «ерга ишлов бериш», «ерни парваришlash», «дехқончилик меҳнати» сифатида қўлланилган ҳамда «natura» (табиат)га зид тушунча сифатида ишлатилган [3]. Бу маънода уни дастлаб “De agri cultura”

асарининг муаллифи, милoddан аввалги 234-149 йилларда яшаб ўтган Рим сиёсатдони Марк Порций Катон ишлатган эди. «Culture» атамасини юқоридаги маънода қўллаш бугунги кунда ҳам учрайди. Масалан, рус, инглиз, француз тилларидаги “агрокультура” ёки “agriculture” сўзи орқали ҳозирда деҳқончилик тармоқлари ифодаланади. Кейинчалик Рим нотиғи, файласуф Марк Туллий Цицерон (милoddан аввалги 106–43 йй.) «Тускулан суҳбатлари»да инсон томонидан яратилган, табиат яратган дунёдан фарқ қилувчи барча нарсаларга нисбатан «culture» атамасидан фойдаланишни таклиф этган [4].

Демак, дастлаб «culture» тушунчаси инсоннинг табиатга мақсадли таъсири ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаш, ўқитиш маъноларини ифодалаган бўлса, Уйғониш даврида бу тушунча орқали инсоннинг гуманистик, маърифатчилик ғоялари ифодаланди. «Culture» сўзидан илмий адабиётларда тизимли фойдаланиш эса 1782 йили немис олими И.Х.Аделунг (1732-1806) томонидан «Опыт истории культуры человеческого рода» асарининг чоп этилиши билан бошланди [5].

Шарқ мамлакатларида хусусан, ўзбек тилида қўлланиладиган «маданият» атамаси арабча «мадина» (шаҳарлик, таълим-тарбия кўрган) сўзидан келиб чиққан бўлиб, “шаҳарга хос”, “шаҳарга оид” деган маънони ифодалайди [6]. Араблар кишилар ҳаётини икки турга ажратиб, бирини бадавий ёки саҳроий турмуш, иккинчисини маданий, яъни шаҳар турмуши деб атаганлар. Бадавийлик - кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик - шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган. Кейинчалик шаҳарлар илм-фан, маърифат ўчоғи бўлиб келгани таъсирида «маданият» бир қатор халқлар тилларида, шу жумладан ўзбек тилида ҳам, маърифатлилик, билимлилик, тарбия кўрганлик маъноларида ишлатила бошланди. Ҳар икки ҳолда ҳам маданият дейилганда, кишилик жамияти фаолияти давомида яратилган ва яратилаётган барча ютуқлар тушунилишини англаш, қийин эмас.

Маданият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, «ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш маданиятга таъсир этади ва маданият бу муносабатларнинг қандай натижаларга олиб келишидан хабар беради» [6]. Француз этнологи, антрополог Клод Леви-Строссинг фикрига кўра, «қаерда тартиб-қоида бўлса, шу ерда маданият бошланади. Инсон табиатидаги барча умумийлик табиатга тегишли ва стихияли автоматизм билан характерланади, мажбурлаш нормалари билан белгиланувчи сифатлар эса маданият соҳасига хосдир» [7]. Маданият фақат мавжуд норма ва урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини

ривожлантиришни эмас, балки уларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олади.

Инсоният тарихининг ўтган даври мобайнида олимлар томонидан цивилизациялар ва турли-туман маданиятлар тараққиётига оид жуда бой ва анча сермахсул материаллар йиғилганига ҳамда бу борада илм аҳли орасида кўплаб баҳс-мунозаралар бўлиб ўтганига қарамай, ҳали ҳануз фанда маданият атамасининг ягона, мукамал таърифи мавжуд эмас [8]. Америкалик маданиятшунос олимлар А.Крөбер ва К.Клакхонларнинг маълумотларига кўра, 1871-1919 йиллар оралиғида маданият ҳодисасига берилган таърифлар сони 7 тани ташкил этган бўлса, сўнгги адабиётларда уларнинг сони 500 дан ортиб кетди [9]. Маданиятга берилган таърифлар орасида инглиз этнографи Э. Тайлорнинг таърифи энг мукамал, деб ҳисобланади, яъни, “Маданият кенг маънода кишининг жамият аъзоси сифатида ўзлаштирган билими, эътиқоди, санъати, одоб-ахлоқи, қонун-қоидалари ҳамда бошқа бир қатор қобилиятлари ва одатлари йиғиндисидан ташкил топади” [10].

Жамият ишлаб чиқаришининг икки амалий тури - моддий ва номоддий ишлаб чиқариш бўлганидек, маданият ҳам бир-бири билан ўзаро алоқадор, ўзаро таъсирда ва бир-бирини тақазо қилган ҳолда ривожланадиган икки турга - моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият ҳар доим маълум бир маънавий маданиятнинг тимсоли ҳисобланади, ўз навбатида маънавий маданият ҳам қайсидир нарса, белги, тасвир, рамзларда моддий уйғунликда мужассам бўлади. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади, сақлайди, доимий равишда бойитиб боради, кадриятларни тўплайди ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган соҳаларни ифодалайди [8].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ер шаригадаги ҳар бир халқ ёки этнос муайян ҳудудда шаклланади ва ривожланади. Агар этнос бир ҳудудда узок вақт яшаса, у ўша ҳудудга оптимал мослашади ва қоидага кўра, табиий мувозанатни бузмайди, асрлар давомида табиатдан фойдаланишнинг фақатгина шу халқ учун хос бўлган анъаналарини шакллантиради. Ушбу анъаналар минг йиллар давомида сақланиб, доимий равишда бойитиб борилади ва маданий анъаналар сифатида авлоддан-авлодга бериб келинади. Бу соҳадаги билимларни тўпланиб, авлоддан-авлодга берилиб келиниши эса географиядаги ритмийлик ва даврийлик қонуниятлари билан боғлиқ. Маданият ёрдамида кишилар у ёки бу табиий муҳитга вақт давомида мослашиб борадилар ва маълум даражада мазкур табиий муҳитни қайта

ўзгартириб, «маданий ландшафт»ларни яратадилар. Бу жараён этнослар шаклланган ва узоқ вақт (бир неча авлод) яшаб келган маълум географик муҳитда содир бўлади. Кишилар жамоаси бу муҳитдан фойдаланишнинг ўзига хос кўникма, малака ва анъаналарига маданият сифатида қараб, уни авлоддан авлодга бериб келадилар [11].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсоният яратган моддий ва маънавий бойликлар шу қадар беҳисоб ва хилма-хилдирки, битта фан орқали уларни тўлиқ қамраб олиш, турли жиҳатларини ўрганиш мумкин эмас. Ўрганилаётган ҳодиса, предмет ёки воқеа, реал борлиқ қанча мураккаб ва серқирра бўлса, уни ўрганувчи фанлар сони ҳам шунча кўп бўлади ва мазкур фанларда эришилган ютуқларни ўрганиш натижасида бу объект тўғрисида тўла маълумот олиш мумкин. Маданият соҳаси этнология, тарих, фалсафа, социология, санъат, ахлоқ, эстетика, диншунослик, маданиятшунослик, фольклоршунослик, археология ва бошқа фанлар томонидан ўрганилади. Мазкур фанларнинг ҳар бири тадқиқот предмети сифатида маданиятнинг маълум бир ғоясини яратади ва ўзига хос тадқиқот усулларида фойдаланади. Масалан, этнология учун маданиятни ўрганиш этносларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, жойлашиши ва этник тузилиши, урф-одатлари, маънавияти ва миллий хусусиятларини ўрганиш учун керак. Тарих фани учун маданиятни ўрганиш инсониятнинг бутун ўтмиши давомида жамият ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, жараёнларни яхлит бир тарзда тадқиқ этиш учун муҳимдир. Археология учун маданиятни ўрганиш моддий маданият ёдгорликларига асосланиб, кишилик жамияти ўтмишини ўрганиш учун зарур бўлади. Бу соҳадаги билимларни тўпланиб, авлоддан-авлодга берилиб келиниши эса географиядаги ритмийлик ва даврийлик қонуниятлари билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, биз бу йўналишни ўрганишга географларнинг диққатини қаратиш лозим, деб ўйлаймиз.

Географлар томонидан маданиятнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш XIX аснинг иккинчи ярмидан бошланди ва кўпроқ маданият географияси, маданий экология, этногеография, этноэкология, этнометеорология, этнотопонимика каби йўналишларда амалга оширилмоқда. Маданиятни географик жиҳатларини тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари хорижлик олимлар (Ф.Ратцел, К.Зауэр, Г.Конклин, Ж.Стюард) ва МДХ мамлакатлари олимлари (Л.С.Берг, П.Н.Савицкий, М.Г.Левин, Н.Н.Чебоксаров, В.Г.Богораза-Тан, Б.В.Андрианов, В.И.Козлов, И.И.Крупник, Л.Н.Гумелев, Р.Ф.Итс, А.Н.Ямсков, К.Б.Клоков, К.П.Иванов, И.Ю.Гладкий,

В.Н.Калуцков, М.В.Рагулина, А.Г.Дружинин) ишларида келтирилган. Халқимизнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини ўрганишнинг тарихий жиҳатлари ва ҳудудий масалалари И.Жабборов, И.Аширов, У.Абдуллаев, Р.Баллиева, А.С.Солиев, Ю.Аҳмадалиев, И.Назаров ва бошқа қатор олимлар томонидан ўрганилган [12].

А.Г.Дружининнинг таъкидлашича, ҳар қандай сайёравий (планетар) ҳодиса сингари, “маданият ҳудудийдир, яъни, угеографик омилнинг кенг кўламли таъсирида шаклланади, макон ва замонда фарқланади, муайян имманент (ички) ҳудудий шаклларда ривожланади” [13]. Маданиятдаги ўзига хослик халқларнинг ўзи яшайдиган табиий муҳитга мос ҳолдаги турмуш тарзи ҳамда хўжалик фаолиятида намоён бўлади. Табиий-географик ва иқлим шароити аҳолининг нафақат хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи, балки кўп қиррали маънавий маданияти ва миллий руҳияти хусусиятларининг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Географияда маданиятни, айниқса, инсоннинг табиат билан уйғунликдаги маданиятини ўрганиш антропогеографик изланишларнинг асосини ташкил этади. Тарихан шакланган табиатдан фойдаланиш маданиятини (кенг маънода) баҳолашда этнология, ижтимоий-экология ва география оралиғида шакланган этноэкология йўналишидаги назарий ёндашувлар кўл келади. Кўп асрлик, вақт синовига бардош берган, такрорлашлар ва янглишишлар натижасида такомиллашиб борган табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тўпланган кўникма ва малакалар йиғиндиси яъни этноэкологик маданият авлоддан авлодга бериб келинади [11, 14]. Халқларнинг миллий қадриятлари даражасига айланиб улгурган бундай маданиятни унитилиши ёки уни назарга илмаслик оқибатида дунёда кўплаб минтақавий ва глобал экологик муаммолар келиб чиқмоқда.

## ХУЛОСА

Қилиб айтганда, табиий ва ижтимоий муҳит билан уйғун ривожланишга асосланган маданиятни географик нуқтаи назардан ўрганиш, бу маданиятни ижтимоий тараққиётни инкор этмаган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш, келажак авлодларга етказиш мавжуд экологик муаммоларни бартараф этишда, вужудга келиши мумкин бўлганларини эса олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1994.- 320б.
2. Народы мира. Энциклопедия.- М.: ОЛМА Медиа Групп, 2007.-640с.
3. Культурология: Учебное пособие / Под ред. проф. Г.В. Драча. - М.: Альфа-М, 2003. - 432 с.
4. Культурология : учебник / Т. Ю. Быстрова [и др.] ; под общ. ред. канд. ист. наук, доц. О. И. Ган. – Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2014. – 192 с.
5. Культурология: учебник для вузов/ В.М.Соловьев, 2-ое изд., испр. и доп.- Москва; Берлин: Директ Медиа 2019.-616с.
6. Фалсафа қомусий луғати. Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”, 2004. 230-б.
7. Лотман Ю.М. Избранные статьи в трех томах. Том I. Статьи по семиотике и топологии культуры. Таллин, «Александра», 1992.- 247б.
8. Etnologiya. Oliy o‘quv yurtlari talabarlari uchun o‘quv qo‘llanma/ A.A. Ashirov, Sh. Atadjanov. - Т.: «IQTISOD- MOLIYA», 2008. - 176 б.
9. Культурология : учебник / Т. Ю. Быстрова [и др.] ; под общ. ред. канд. ист. наук, доц. О. И. Ган. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2014. – 192 с.
10. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. Москва: “Политиздат”, 1989, с. 57.
11. Ахмадалиев Ю. Этноэкология. (географик жиҳатлари). – Фарғона: “Classic”, 2021. 286 б.
12. Ахмадалиев Ю., Комилова Н. Этноэкологик маданиятнинг худудий жиҳатлари. / (монография) Фарғона: “Classic”-2020. 120 б.
13. Дружинин А.Г. Теоретические основы географии культуры. Ростов-на-Дону: из-во СКНЦВШ, 1999. - 151 с.
- 14.. <http://www.dissercat.com/news/rss>.